

СИМПОЗИУМДА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ
ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

✓ Аввал хабар берганимиздек (<https://t.me/DinQumita/3344?single>), шу йил 20 июнь куни Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистонининг Ҳаж ва умра вазири таклифига биноан Жидда шаҳрида ўтказилган ҳаж симпозиумида иштирок этди.

◆ Мазкур анжуманда 50 дан зиёд давлатдан келган жами 500 нафар иштирокчи қатнашди, ўнлаб илмий-маърифий маърузалар қилинди, янгича хизматлар ва инновацион лойиҳалар тақдироти ўтказилди ҳамда мавзуга доир кўргазмалар намойиш этилди.

UZSAЭътиборлиси, очилиш маросимида ҳаж-умра хизматлари ривожланиш жараёнлари ҳақида кўрсатилган махсус фильмда Ҳаж ва умра вазирлиги билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларига алоҳида урғу берилди.

◆ Хусусан, 2022 йил август ойида Ҳаж ва умра вазирининг юртимизга келгани ва 2023 йил январь ойида эса Ўзбекистон делегациясининг Саудия Арабистонига ташрифига оид лавҳалар иштирокчиларга намойиш этилди.

→ БАТАФСИЛ (<https://telegra.ph/haj-06-21>)

🕌 Сафар билан боғлиқ жараёнларни расмий саҳифаларимизда кузатиб боринг.

